КОСТЮМ ЛОЙИҲАЛАШ ТАРИХИДАГИ УСТУВОР ТАМОЙИЛЛАРНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСПЕКТЛАРИ

Ф. Абдуллаева
Камолиддин Беҳзод номидаги МРДИ “Либос дизайни” кафедраси ўқитувчиси, с.ф.ф.д (PhD)
E-mail: fotima_asadiy@mail.ru
DOI: 10.67620/artdsgn.690001

Аннотация. *Мақолада Ўзбекистон ҳудудида костюм лойиҳалаш тарихининг шаклланиши ва ривожланишида устувор аҳамият касб этган бадиий-эстетик, ижтимоий-маданий ҳамда маънавий тамойиллар илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этилган. Турли тарихий даврларда миллий костюм комплекси шаклланишига таъсир кўрсатган омиллар, хусусан, этномаданий анъаналар, диний-ахлоқий қарашлар, урф-одатлар ва ижтимоий муносабатларнинг либос шакли, силуэти, конструктив-декоратив ечимлари ҳамда композицион хусусиятларига таъсири таҳлил қилинган. Тадқиқот натижалари миллий костюм меросини замонавий либос дизайни билан уйғунлаштириш, миллийлик ва замонавийлик муносабатларини илмий асосда англаш ҳамда дизайнерлик амалиётини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.*

Калит сўзлар: *костюм лойиҳалаш, миллий костюм, либос дизайни, костюм комплекси, тарихий тамойиллар, этномаданий анъаналар, бадиий-эстетик хусусиятлар, конструктив-декоратив ечимлар, костюм силуэти, урф-одатлар, миллий қадриятлар, замонавий мода, анъана ва инновация.*

Аннотация. *В статье проведено научно-теоретическое исследование художественно-эстетических, социокультурных и духовных принципов, имевших приоритетное значение в процессе становления и развития истории проектирования костюма на территории Узбекистана. Проанализированы факторы, оказавшие влияние на формирование национального костюмного комплекса в различные исторические периоды, в частности воздействие этнокультурных традиций, религиозно-нравственных представлений, обычаев и социальных отношений на форму одежды, силуэт, конструктивно-декоративные решения и композиционные особенности костюма. Результаты исследования имеют важное значение для интеграции наследия национального костюма в современный дизайн одежды, научного осмысления взаимосвязи национальной идентичности и современности, а также совершенствования дизайнерской практики.*

Ключевые слова: *проектирование костюма, национальный костюм, дизайн одежды, костюмный комплекс, исторические принципы, этнокультурные традиции, художественно-эстетические особенности, конструктивно-декоративные решения, силуэт костюма, обычаи и традиции, национальные ценности, современная мода, традиции и инновации.*

Abstract. *The article scientifically and theoretically studies the artistic-aesthetic, socio-cultural and spiritual principles that played a leading role in the formation and development of the history of costume design in Uzbekistan. The factors that influenced the formation of the national costume complex in different historical periods, in particular, the influence of ethnocultural traditions, religious and moral views, customs and social relations on the shape, silhouette, constructive and decorative solutions and compositional features of clothing, are analyzed. The results of the study are of great importance in combining the heritage of the national costume with modern clothing design, understanding the relationship between nationality and modernity on a scientific basis, and improving design practice.*

Keywords: *costume design, national costume, clothing design, costume complex, historical principles, ethnocultural traditions, artistic and aesthetic features, constructive and decorative solutions, costume silhouette, customs, national values, modern fashion, tradition and innovation.*

Кириш

Маълумки, ҳар қандай бадиий асар жамият ёки шахс тафаккурида одоб-аҳлоқ ва гўзалликни органик – ажралмас бирлик тарзида намоён эта олсагина, мазкур ижод намунаси ва айниқса костюм коллекцияси ҳақиқий гўзалликни тараннум этган ҳисобланади [1, с-379.]. Жамиятимизда мазкур йўналишдаги мода тамойиллари шаклланишига назар ташлар эканмиз, шарқона ҳаё ҳислати либос яратишдаги асосий критерий сифатида танланган мамлакатимиз тарихидаги костюм лойиҳалаш ютуқларини алоҳида эътироф этиш зарур.

Костюм тушунчасининг мантиқан яхлит бир тизимга тегишли эканлиги, у орқали шахс ёки муайян этник типнинг индивидуаллигини ифодалаш мумкин бўлганлиги сабабли, уни маданият ёки цивилизацияни тавсифловчи мураккаб тизимнинг энг муҳим элементи сифатида таърифлаш мумкин. Шу маънода, яхлит ва нисбатан барқарор элементлар тизими бўлган “костюм” даврлар мобайнидаги жиддий ўзгаришларни қайд этиш ва улардаги замонга хослик жиҳатларини кўрсата билишда намоён бўлади [2.].

Шу кунга қадар юртимиз тарихидаги либосларни тадқиқ этишга оид илмий тадқиқотлар асосан тарих, санъатшунослик, этнография, фалсафа ва ёки маданиятшунослик фанлари нуқтаи назаридан таҳлил этиб келинган. Мазкур тадқиқотда юртимиз либос лойиҳалаш тарихий жараёнлари учун асос бўлган устувор тамойиллар ва уларнинг замонавий мода тенденциялари доирасида актуал бўлган жиҳатларини ўрганиш, бу борада дизайнерлар учун илмий – амалий ҳамда методик тавсиялар ишлаб чиқиш нуқтаи назаридан тадқиқ этиш мақсад қилинган.

Асосий қисм

Костюм лойиҳалаш тарихидаги артефактларни этногенезис ҳамда этномаданият анъаналари эволюцион босқичлари асосида тадқиқ этишда, жамият маънавиятини юксалтиришга таъсир кўрсатган тамойиллар асосидаги ривожини ўрганишда, тадқиқотчилар қуйидаги муаммоларга дуч келадилар. Биринчидан, лойиҳалашда асос бўлган тамойилларнинг маълум бир тарихий давр мобайнида ҳукм сурган ижтимоий, маънавий, иқтисодий ва сиёсий муҳит таъсиридаги ўзига хосликларини аниқлаш. Иккинчи навбатда, мазкур тамойиллар асосида яратилган костюм силуэти, конструктив ва декоратив элементларига оид аспектларни тадқиқ қилиш, ҳамда уларни урфга хослик принципи нуқтаи назаридан тизимлаштириш каби муҳим мақсадларни қамраб олади [3]. Тадқиқотчиликда мазкур аспектларни аниқлаштиришдаги мураккабликлар “... қуйидагилардан иборат. Биринчидан, костюмга доир ашёларнинг кўп холларда ҳолати яхши эмаслиги (масалан – ёзма бўладими ёки тасвирий манбалар), қабрлардан топилган

кийимлар безаклари: (кўп холларда) улар фрагментар, талқин қилиш имкониятлари чекланганлиги (шу билан бир қаторда, тадқиқотчидан уларни атрофлича тадқиқ қилишда, нафақат узоқ вақт мобайнидаги амалий фаолият кўникмалари ва эҳтиёткорлик, балки қатор соҳалар доирасида кенг билимларга эга бўлишни талаб этади [3].

Либос лойиҳалашнинг урфга хослик принциплари асосидаги тарихий тажрибасига доир маълумотлар этнограф Н.Лобачеванинг “Среднеазиатский костюм раннесредневековой эпохи по данным стенных росписей” [4, с-21.] номли тадқиқот иши, санъатшунос Г.Майтдинованинг “История Таджикского костюма” номли монографиялари ҳамда, Д.Суюнова, Э.Гюль, А.Беленицкий, Г.Пугаченкова, Л.Ремпель тадқиқотларида ўз аксини топган.

Ўрганилган манбалар асосида қуйидагиларни қайд этиш мумкин: илк ўрта асрлар мобайнида юртимизда либос яратиш жараёнларининг - костюм шаклини ҳосил қилишда инсон қомати ва силуэт чизиқларига тўғри ёндошиш, ранг ва фактура ўзига хосликларини тизимли қўллаш, либослар учун юқори сифатли газламалар ишлаб чиқариш ва уларда мураккаб композицион ва рамзий ечимга эга бўлган орнаментал тасвирларни акс эттириш каби юксак ютуқлар қўлга киритилган. Шунингдек, либос бичимини яратишда конструкция бўлакларини моделлаштириш қонуниятининг амалда бўлгани, костюм комплексини яхлит тизим сифатида шакллантирилгани, костюмга бадиий безак беришнинг турли усуллари қўлланилгани ҳамда бош кийим, пойафзал ва аксессуарлар яратишга мураккаб тизимга эга бўлган “костюм” образини тўлдирувчи воситалар сифатида ёндошилганлиги ҳам аҳамиятли. Бу жараёнда эришилган тажриба ва ютуқлар костюм лойиҳалаш нуқтаи назаридан устувор бўлган халқаро мулоқотларнинг нақадар изчил бўлганлигини ҳам таъкидлашга омил бўлади.

Эътиборли жиҳати шундан иборатки, мазкур даврлар мобайнида тизимли тарзда шакллантирилган “костюм” яратиш фаолиятидаги асосий тамойил – шарқона ҳаё ҳислатини либосларда акс эттиришга асосланганидир. Мазкур тамойил мамлакатимиз костюм комплексини яратишнинг келгуси барча босқичларида ўзининг устуворлигини йўқотмаган.

Юртимиз ҳудудларида урфда бўлган ўрта асрлар костюм комплекси З.Раҳимова, Г.Майтдинова, Р.Мукминова рисола ва тадқиқотларида “Костюм – система сифатида” концепцияси асосида тадқиқ этилган бўлиб, уларда қайд этилган илмий хулоса ва янгиликлар нафақат санъашунослик соҳасида илмий фаолият олиб бораётган ёш изланувчилар балки, либос дизайнерлари учун ҳам муҳим методик манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Маълумки, костюмдаги модага хослик принципларини шаклланишига таъсир кўрсатувчи асосий омил ижтимой муносабатлардаги ўзгаришлар ҳисобланади, улар жамиятдаги тизим ўзгаришларига мос тарзда юз беради. Бу борада санъатшунос Б.Я.Ставиский: “...Ўрта Осиё халқлари бадиий маданияти тарихидаги янги давр бошланиши милоднинг IV асридан эмас (қулдорлик тизимининг феодал жамияти билан алмашинуви даври), балки – VIII - IX асрлардан, аввалдаги дин ва эътиқодлар устидан янги мусулмон ғоявийлиги ғалабаси давридан” – бошланганига урғу беради [5, с-239.]. Ўрта Осиё халқлари бадиий маданиятидаги янги даври илк жараёнларида, Ислом ғоявийлигидаги айрим ақидалар сабабли, мазкур ҳудудда илк ўрта асрлардаги урфда бўлган костюм шакли ва силуэти ҳақида реал ахборот олиш мумкин бўлган тасвир санъатининг деворий рангтасвир ва ҳайкалтарошлик соҳалари ўз мавқеини йўқотади. Натижада, тасвир санъатида вақтинчалик танаффус юзага келади [6, с-35.]. Шу сабабдан, ушбу даврлар

либослари ҳақида ёзма манбаларни инобатга олмаганда, миллий либос шакли ва силуэти, улардаги урфга хослик принциплари ҳақида реал кўзга ташланадиган ёки тасаввур қилиш имкониятини берадиган ҳеч бир восита мавжуд эмас.

Аммо, бу борада табиатдаги инерция ходисаси инобатга олинса, илк ўрта асрлар мобайнида юртимизда костюм лойиҳалашдаги шаклланган тенденциялар ҳамда, шакл ва силуэтидаги урфга хослик принципи Имом ал Бухорий фаолият юритган даврларига қадар ҳам давомийлик касб этганлигини тасаввур этиш мумкин. Балки, шу сабаб, илк ўрта асрлар либосларидаги айрим ҳусусиятлар эътиқод талаблари доирасидан ташқари кўринган. Натижада, Ислом дунёсининг буюк алломаси, Имом ал Бухорийнинг “Кийиниш одоби ҳақида” рисолаларини дунёга келиши, ўрта асрлар либос лойиҳалашдаги трансформацион жараёнларнинг асосий сабабчиси десак янглишмаган бўламиз. Имом ал Бухорийнинг рисолалари: “101 бобдан иборат бўлиб, унда пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадислари асосида эътиқодли эркаклар ва аёлларнинг ислом одоби доирасидаги кийиниш тарзи белгилаб қўйилган. Мазкур китоб бобма-боб, мусулмонларнинг қандай кийиниши, кийимларда қандай ранглар жоизлиги, газламаларнинг қандай жиҳатлари эркаклар ва қандай жиҳатлари аёллар учун мақбул эканлиги ёритиб берилган. Шу билан бир қаторда, бош кийим, костюм ва пойафзал, безаклар, тақинчоқлар ва тумор, пардоз ва андоз, ташқи қиёфа маданияти – қош ва соч турмаги, мўйлаб ва соқол, тирноқ сингари ва ҳоказолар кўрсатиб ўтилган” [7, с-169].

Имом ал Бухорийнинг “Кийиниш одоби ҳақида”ги рисолалари дунёга келиши даврларидан бошланган юртимиз аёл ва қизлар костюм комплексидаги лойиҳалаш жараёнларининг, қайд этиб ўтилган даврлар (X асрдан то XX асрнинг биринчи чораги) мобайнидаги мамлакатимиз либослари учун “Миллий костюм” тавсифини қўлланиши мақсадга мувофиқ эканлигини яна қуйидагиларда асослаш мумкин:

- ушбу костюм лойиҳалаш тенденциялари қатор асрлар мобайнида мазкур ҳудуд қиз ва аёллар костюм комплексида “кодекс” (қоида) сифатида амалда бўлган;

- мазкур костюм, тизими жиҳатидан - аёлларнинг юзи, икки қўл кафтидан ташқари аъзолари ёпиқ бўлишига асосланган.

Хулоса қилиб айтганда, ўн асрдан ортиқ давр мобайнида ҳукм сурган костюм тизимининг шаклан барқарорлиги ва узвийлигини инобатга олган ҳолда, урфга яъни, модага хослик нуқтаи назаридан мунтазам тарзда юз берадиган янгиланишлар воситасида юртимиз аҳолиси кийим-кечагини лойиҳалашнинг барча жараёнларида амалда бўлганлиги ҳеч бир тарафдан асослашга мухтож эмас.

Илк ўрта асрларда хукм сурган тенденциялар негизида эътиқод талаблари асосидаги янги тизимнинг киритилиши, юртимизда либос лойиҳалаш жараёнлари узвийлиги шаклан барқарорлиги ва унинг янги босқичини исломий ғоявийлик негизида юзага келганлигидан далолат беради. Исломий ғоявийлик негизида юзага келган янги босқич костюм комплекси – аёл ва қизлар кийим-кечагининг фараджи (паранжи), чакмон, пўстин, тўн, “кўнглак” (кўйлак), хафтан (кафтан) каби либос турлари ва аёллар сочларини ёпиб турувчи бош кийим ва аксессуарларнинг яхлит “костюм комплекси” сифатида кенг миқёсда қўлланилиши нақадар самарали бўлганлигини XIV – XV асрларга келиб тасвир санъатининг миниатюра рангтасвири ижтимоий ҳаётга қайтганидан сўнг кузатиш имконияти пайдо бўлди.

Миниатюра рангтасвиридаги либос тасвирлари ушбу даврлар костюмларидаги аҳлоқ (шариат) нормалари асосидаги шакл ўзига хосликларини реал даражада таҳлил қилиш имкониятини қайтадан тиклади.

Маълумки, ҳозирга қадар юртимиз миллий костюми шаклланишининг тарихий жараёнлари ҳақида ўзбек, рус этнограф ва санъатшунос олимлар томонидан кўплаб тадқиқот ишлари мукаммал тадқиқ этилган. Мазкур тадқиқот ишларида либосларимизнинг шакл-шамоили яъни, силуэти ва конструктив жиҳатлари иллюстратив чизмалар воситасида ёритиб берилган. Шу қатори миллий костюм тарихи ва конструктив жиҳатларига оид кўплаб тадқиқот ишлари орасида Л.Чвирнинг илмий тадқиқоти аҳамияти жиҳатидан муҳим методик манбалардан ҳисобланади [8, с-103].

Унда миллий костюм элементларининг ягона ва турли хил конструктив - декоратив тизимларга эга бўлган намуналарини маълум бир қонуният асосида таснифлаш орқали уларнинг шаклланиш эволюциясини таҳлил қилиш масаласи кўндаланг қўйилган. Ушбу методни қўллаш орқали чиқарилган хулосалар миллий либос элементларининг бир-бирига яқин бўлган намуналарини аниқ тартиблаш имкониятини беради. Ўз навбатида тадқиқот давомида олинган маълумотлар келажакда миллий либосларни тадқиқ этиш бўйича олиб бориладиган янги илмий тадқиқотлар учун ишончли илмий манба сифатида хизмат қила олади.

Мамлакатимизда XIX аср давомида урфда бўлган либосларни лойиҳалашга таъсир кўрсатган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий омилларни ўрганишда эътиборли манба сифатида Венгриялик сайёҳ Вамберининг эсдаликларидан қуйидагиларни келтириш мумкин. Сайёҳнинг таъкидлашича, “...Бухоро Ўрта Шарқда тайёр либослар билан савдо қилувчи марказ сифатида машҳур бўлган” [9, с-115]. Бухоро бозор расталари атрофи қирғиз, қипчоқ, қалмиқ, татарлар ва бошқа миллат вакиллари билан гавжум бўлган. Вамбери мазкур либосларнинг конструктив ва декоратив хусусиятларига тавсиф берар экан уларнинг ялтироқ тусдаги матолардан тайёрланган ва турли хил бурмаларга бой эканлигини келтириб ўтади [9, с-115]. Мазкур либослар ўзининг урфга доир қадрияти, яъни мода тенденцияси нуқтаи-назаридан аҳамиятли эканлиги билан ўзига хосдир. Вамберининг таъбири билан айтганда, Бухоро тайёр либослар билан савдо қилувчи Ўрта Шарқдаги машҳур бозор маъносида: хитой татарлари (тунганлар) истиқомат қиладиган худудларгача бўлган аҳолиси учун ўша даврларда “фешенэбель” либос тенденцияларини шакллантирувчи марказ” сифатидаги мавқеини намоён этади [9, с-115]. Мазкур регионнинг турли миллатлари: Қирғиз, қипчоқ, қалмиқ ва татарлар ўз тасаввурларида – бу ерларда либос лойиҳалашнинг дунё тамаддунидаги юксак поғонаси даражасини кўришган ва сайёҳнинг фикрича, Бухоро уларнинг наздида, либос яратишда Париж ва Лондон сингари сифатларга эга марказ тимсолида бўлган.

XIX - XX асрлар юртимиз костюм комплекси ривожини тизимли тадқиқ этиш бўйича О.Сухарева, К.Писарчик, М.Бикжанова, Т.Абдуллаев ва С.Хасанова, Н.Содиқова, Л.Ундерева, Д.Фахретдинова, Х.Камилова, З.Рахимова ва У.Рахматуллаевалар тадқиқотларини келтириш мумкин. Мазкур манбаларда “миллий костюм” комплексидаги кийим-кечак ва аксессуарларнинг турлари, матоси, конструктив ва декоратив ўзига хосликлари, ҳамда жинсга ва ёшга доир лойиҳалаш қонуниятлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

XX асрнинг ўрталаридаги ўзбек миллий костюми анъаналарини ўрганишда А.Бикжановнинг Тошкент ва унинг атрофидаги ҳудудлар аҳолисининг миллий либослари бўйича олиб борган тадқиқоти самарали илмий ишлардан саналади. Тошкент ва унинг атрофидаги худудлар аҳолиси миллий либос анъаналарига доир илмий тадқиқоти мобайнида ушбу худудлар аҳолисининг миллий либослари бўйича қимматли альбом

тайёрлаган. Мазкур альбомдаги миллий либос намуналари таниқли рассом Усто Мўмин (А.Николаев) томонидан тузилган [10, с-47].

Д.Фахретдинова томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар ўзбек костюми ва унинг аксессуарлари - миллий амалий безак санъати таҳлилига бағишланган бўлиб, унда амалий санъат намуналарининг мато ишлаб чиқариш – ипак ва пахта матолари, нақшинкор безак санъати, заргарлик, либос, гиламдўзлик, мўйнага бадиий ишлов бериш, наққошлик сингари турлари бўйича таснифланган ва чуқур таҳлил қилинган. Мазкур тадқиқотда шунингдек, юртимиз уста ва хунармандлари яратган халқ амалий санъат асарлари намуналарининг Европа ва Американинг нуфузли шаҳарларида ўтказилган турли хил кўргазмалардаги иштирокларининг рўйҳатига ҳам мурожаат этилган. Вена (1878 й.), Копенгаген (1888 й.), Чикаго (1893 й.), Стокгольм (1897 й.), Париж (1900 й.), Сент-Луис (1904 й.), Милан (1906 й.), Бордо (1907 й.), Париж (1910 й.), Мюнхен (1910 й.), Берлин (1914 й.), Лондон (1914 й) шаҳарларидаги кўргазмаларда намойиш этилган халқ амалий санъат асарлари қаторида ўзбек миллий либослари намуналари ва миллий матолари қимматли маълумотларни тақдим этади [11, с-189].

Мустақиллик йилларида янгиланган илмий нуқтаи назардан яратилган К.Акилова, М.Абдукаримова, В.Чурсина, Ф.Атаханова, Э.Мирзаназарова, М.Салахиддинов, Ю.Гайбуллаеваларнинг тадқиқотларида мамлакатимизда соҳанинг илмий-ижодий ва техник йўналишлари шаклланиши ва ривожига таъсир кўрсатган амалий жараёнлар тизимли ёритилган.

Шунингдек, мустақиллик йилларида олиб борилган юртимиздаги либос лойиҳалаш жараёнларининг тарихий ва замонавий тенденциялари, уларда етакчилик қилган фалсафий негизлар, ҳамда конструктив-технологик, эстетик ҳусусиятлар ҳақидаги маълумотлар Б.Нодир, Х.Камилова, З.Раҳимова ва У.Рахматуллаева, Ю.Гайбуллаева томонидан тайёрланган монография ва тадқиқотларда ўз аксини топган.

Ўзбекистонда дизайн соҳаларининг назарий аспектлари, амалиёти ва ривожланиш тамойилларига бағишланган К.Акилованинг тадқиқоти эътиборга лойиқ. Унда XX аср мобайнида дизайн назариясини шаклланишида аҳамиятли бўлган жаҳон ва рус назариётчилари илмий қарашлари, Ўзбекистон XX аср дизайни амалиёти хусусан, либос дизайни соҳасининг шаклланишига таъсир кўрсатган омиллар ижтимоий, иқтисодий, сиёсий факторлар кесимида тизимли ёритилган. Шунингдек, мустақиллик йилларида дизайн соҳалари амалиётида қўлланилган замонавий тенденциялар, ҳамда соҳа назариясининг бугунги кунда юртимизда мавжуд бўлган муаммолари ҳам тадқиқотдан ўрин олган [12, с-246].

Ф.Атаханова тадқиқотида XXI аср бошларидаги замонавий ўзбек либос дизайни ривожланишининг босқичлари, анъаналар ва инновациялар ўзаро таъсири натижасида вужудга келган асосий йўналишлари, шакллари, ўзига хос бадиий хусусиятларини тадқиқ қилувчи илмий изланишлар натижалари акс эттирилган. Мазкур тадқиқотда либос дизайни ва мода тушунчалари маданиятшунослик ва санъатшунослик соҳаларидаги фанлараро ёндошув услубияти асосида тизимли тадқиқ этилган [13].

Хулоса

Юртимиз ҳудудларида турли даврларда урфда бўлган костюм комплекси миллатимиз этник маданиятининг асрлар мобайнидаги амалий жараёнларини ўрганиш воситаси эканлигини таъкидлаш жоиз. Унинг ҳозирги кунда бевосита юртимиз модасининг замонавий костюм моделлаштириш жараёнларида ғоя ва манба сифатидаги аҳамияти ва

унга тўғридан тўғри таъсир кўрсатувчи ўзига хосликларга эга эканлигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Словар по этике. – М.: Политич. лит. 1975. – С. 379.
2.Михеева М. Костюм как социальное явление. https://cyberleninka.ru/article/n/kostyum-kak-sotsialnoe-yavlenie/viewer.
3. Яценко С.А. Костюм Ираноязычных народов древности и методы его историко-культурной реконструкции: дисс. …доктора исторических наук. 24.00.01/Теория и история культуры. – Москва: 2002.
4. Лобачева Н. Среднеазиятский костюм раннесредневековой эпохи. //Костюм народов Средней Азии// Сб.ст. - М.: “Наука”, 1979. – с.21.
5. Ставиский Б.Я. Искусство Средней Азии. – М.: Искусство. 1974. – с. 239.
6. Хасанова Н.С. XX аср бадиий таълими. - Т.: “Санъат”. 2014.
7. Карабаев У.Х. Этнокультура. – Т.: “Шарк”. 2005. - с.169.
8. Чвырь Л.А. Опыт классификации ювелирных украшений (Проблеми типологии на примере таджикских серег). //Костюм народов Средней Азии/ Сб.ст. –М.: “Наука”, 1979. – с. 103.
9. Лунин Б.И. История Узбекистана в источниках. т.3./Путешествие по 10.Средней Азии Венгерского ориенталиста Армения Вамбери./ –Т.: «Фан», 1990. - с.115.
11. Бикжанова М. Мурсак-старинная верхная одежда узбечек г. Ташкента// Сборник посвящённой памяти М.С.Андреева. – Сталинабад, 1960 – Т.СXX. – с. 47-53.
12. Акилова К. Дизайн в Узбекистане: теория, практика и перспективы развития. //Поиски смысла// Сб.ст. – Т.: “Санъат”, 2016. – с. 246.
13. Чурсина В. Мода Узбекистана: вчера и сегодня. /Альбом-каталог/. – Т.: “Санъат”, 2020. – с.128.
14. Атаханова. Ф. Замонавий ўзбек дизайнида анъаналар ва инновациялар. Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. Тошкент, 2022 й.
15. Мирзаназарова Э. XX аср Ўзбекистон либос дизайни: асосий босқичлар ва ривожланиш тамойиллари санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент: 2010.